

АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ БЎЙИЧА ФАРҚЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ МЕХАНИЗМИ

Хожиев Жахонгир Душабоевич
ТДИУ "Молия ва солиқлар" кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: xojiyev.jaxongir@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада аҳолининг реал пул даромадлари, жамғариш учун пул маблағларини ва харид қобилиятини ошириш ўрганиб чиқилди. Республикамизда кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш вазифаси белгилаб олинди, ҳамда мамлакатда яшовчи аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан бир қаторда макроиқтисодий сиёсатда ялпи талабланинг ортиши ҳисобига мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омиллари ўрганиб чиқилди.

Калит сўзлар: Аҳоли турмуш даражаси, аҳоли даромадлари, ижтимоий ҳолат, аҳоли истеъмол кўрсаткичи, бирламчи даромадлар, тежаш функцияси.

Аннотация: В данной статье рассматриваются реальные денежные доходы населения, увеличение сбережений и покупательной способности. Исследована задача дальнейшего сокращения числа малообеспеченных семей и неравенства доходов в стране, а также повышения благосостояния населения, а также важных факторов развития экономики страны в связи с ростом совокупного спроса на макроэкономическую политику.

Ключевые слова: Уровень жизни населения, доходы населения, социальный статус, потребление населения, первичные доходы, накопительная функция.

Abstract: This article discusses the real cash income of the population, an increase in savings and purchasing power. The problem of further reducing the number of low-income families and income inequality in the country, as well as improving the welfare of the population, as well as important factors in the development of the country's economy in connection with the growth of aggregate demand for macroeconomic policy, is investigated.

Keywords: The standard of living of the population, incomes of the population, social status, consumption of the population, primary incomes, funded function.

Кириш

Ўзбекистон республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири аҳоли реал даромадларини изчил ошириш ва уларнинг ижтимоий қатламларидаги даромадлар тенгсизлигини камайтириш ҳисобланади.

Бу борадаги яқин ва ўрта истиқболда бажарилиши лозим бўлган ислохотларнинг устувор йўналишлари қабул қилинган бир қатор дастур ва вазифаларимизда акс эттирилган. 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари»[1], деб номланган 4 устувор йўналишнинг биринчи бўлимида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, ушбу вазифалар қаторида аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш вазифаси белгиланган бўлиб, ушбу вазифа бир томондан мамлакатда яшовчи

аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан бир қаторда макроиқтисодий сиёсатда ялпи талабнанинг ортиши ҳисобига мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим иқтисодий омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотларга тўхталиб, 2018 йилги аҳоли турмуш фаровонлиги ва уларнинг реал даромадларини оширишга қаратилган ислохотлар бўйича қуйидагиларни айтиб ўтган эдилар: "Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди.

Хусусан, педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли, аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди"[2].

Шунингдек, Президентимиз 2019 йил – "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да ижтимоий соҳани янада ривожлантиришда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар:

Биринчидан, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш лозим.

Ҳукумат бир ой муддатда 2019 йил учун бандликка кўмаклашишнинг янги давлат дастурини тасдиқлаши керак. Бу борада ишсизларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ижтимоий ёрдам усулларида кенг фойдаланиш керак. Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам бериш керак[3].

Маълумки, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида аҳолининг даромадларини изчил оширишга қаратилган ислохотларнинг ижтимоий аҳамияти бир томондан аҳолининг истемолталабининг ортиши ҳисобига уларнинг турмуш фаровонлигини барқарорлигинида кузатилади. Қолаверса, кейинги муҳим масалалардан бири макрокўламда изчил ортиб бораётган аҳоли даромадларини уларнинг ижтимоий қатламлари ўртасида тенг тақсимлаш орқали ижтимоий соҳалар ва турли профессиялар кесимидаги иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг фарқланиш даражасини камайтириш ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан ўшбу таналанган магистрлик диссертация иши мавзуси долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодиётни либераллаштириш ва ривожлантириш бўйича ислохотларнинг кейинги даврларида мамлакатимизда аҳоли даромадларини изчил ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларининг сифатини юксалтириш, уй-жой билан таъминлаш тадбирлари кенг кўламда амалга оширилмоқда, уларнинг истемол талаби сифатини кескин ошириш бўйича кенг кўламда ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг аҳамияти Президентимизнинг маърузалари ва асарларида изчил асосланиб борилмоқда. Мазкур сайи ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ замонавий шароитларда фуқароларнинг ҳаёт даражаси сифат жиҳатдан юксалиб ижобий томонга ўзгариб бораётганлигида намоён бўлмоқда. Шунга қарамай, бу борада Республикаимизда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина бўлиб, мазкур имкониятлардан самарали фойдаланиш учун аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ масалаларни назарий ва услубий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва бу бўйича илмий асосланган таклифларни бериш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири

ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражаси деганда, одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, уларнинг истеъмоли ва эҳтиёжлари қондирилганлиги даражаси тушунилади.

Иқтисодчи Н.Рустамов таъкидлашича, "Турмуш даражаси: – тор маънода аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари қондирилганлиги, истеъмолнинг даромад ва харажатлар билан таъминланишини; – кенг маънода инсонни ривожланиши даражасини (соғлиқ, эҳтиёжларни қондириш имкониятлари) ва унинг яшаш шарт-шароитларини (атроф-мўҳит, хавфсизлик масаллари) англатади[4].

Академик, Қ.Х.Абдурахмонов "турмуш даражаси" тушунчасининг мазмунини истеъмол соҳаси билан чеклайдиган муаллифлар нуқтаи-назарини тўғри деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарур моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланиш даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади[5].

Х.С.Мухитдинов аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқлигини ўрганган бўлиб ва аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамиятини асослаб берган. Аҳоли турмуш даражаси деганда, одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, уларнинг истеъмоли ва эҳтиёжлари қондирилганлиги даражаси тушунилади[6].


Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг ҳозирги шароитида бюджет-солиқ механизмининг аҳоли даромадлари бўйича фарқланиш даражасини камайтириш контекстида такомиллаштиришнинг илмий-амалий жиҳатлари ўрганилди. Хусусан, пропорционал солиққа тортиш тизими ва бюджет ташкилотларида иш ҳақини ошириш давлат сиёсатини аҳоли даромадлари бўйича фарқланиш даражасини камайтиришга таъсири ва уни самарадорлигини ошириш йўллари бўйича имкониятлари асосланган

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий тушунча сифатида, улар ихтиёридаги даромад ва хусусан реал даромадларининг шаклланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Чунки реал даромадлар тирикчилик минимуми, турмуш фаровонлиқни таъминлашнинг моддий-молиявий асосини ташкил қилади.

Жаҳон тажрибасидан ҳам маълумки, аҳолининг даромадлилик даражаси уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шундай экан аҳоли даромадларини шаклланиши ва унинг таркиби даромадларни барқарор шакллантириш ва тенглаштириш сиёсатини самарали реализация қилишда муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. Аҳоли даромадлари таркиби[7]

Иқтисодий адабиётларда аҳоли даромадларини таркибини ўрганишда турли хилдаги қарашлар мавжуд, биринчидан назарий адабиётларда аҳоли даромадлари таркиби тўртга бўлиб ўрганилади: корхонадан оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлар, ижтимоий трансфертлар, тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар ҳамда омонат ва қимматли қоғозлар бўйича даромадлардан иборат.

Шунингдек даромадларни солиққа тортиш нуқтаи назаридан ҳам таснифлаш мумкин. Бунда ҳар бир мамлакатнинг солиқ қонунчилигига мос равишда даромадлар таснифланади. Даромадлар харажатдан қанча кўп бўлса, оиланинг яшаш фаровонлиги шунча яхшиланиб боради.

Аҳолининг пул даромадлари таркибига қуйидагилар киради: меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат ҳақидан бошқа корхона-ташкилотлардан олинадиган ёлланма ишчиларнинг даромадлари, дивидендлар, пенсия ва нафақалар, стипендиялар, молиявий тизимдан олина-диган тушумлар, хорижий валютани сотишдан келадиган даромадлар, бошқа тушумлар.

Даромадларнинг ортиши бир томондан барқарор иқтисодий ўсишни таъминласа, иккинчи томондан аҳолининг ҳарид қобилиятини ортиши натижасида ижтимоий фаровонликни таъминлашнинг молиявий асосини ташкил қилади.

Маълумки мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотдан амортизация ажратмалари чегирилса соф ички маҳсулот шаклланади. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

СИМ=ЯИМ-АА (1.1)

Соф ички маҳсулотдан билвосита солиқлар чегирилиши натижасида миллий даромадни шакллантиришимиз мумкин. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

МД=СИМ-С₆ (1.2)

Миллий даромад ўз ичига давлат даромадлари, хўжалик юритувчи субъектлар фойдаси ва уй хўжаликларининг даромадларини мужассамлаштирган макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг шахсий даромади миллий даромаднинг асосий компонентларидан бирини ташкил қилади. Уни қуйидаги тарзда ҳисоблаш мумкин:

Д_{ух}=МД-ИС-Ф_к+Д+Т-Д_{ққ}+У_х% (1.3)

Бу ерда,

Д_{ух}- уй хўжаликлари даромади;

ИС- ижтимоий суғурта ажратмалари;

Ф_к- корпоратив сектор фойдаси;

Д- дивидендли даромадлар;

Т- трансфертлар;

Д_{ққ}- давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизли тўловлар;

У_х%- тўланган фоизлар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, уй хўжаликларининг даромадларининг миллий даромад, дивидендлар, турли хил ижтимоий трансфертлар, қимматли қоғозлар ёки бошқа молиявий операциялардан олинадиган фоизли даромадлар ташкил қилади. Ҳозирги шароитда ижтимоий йўналтирилган бюджетни шакллантириш жараёнида ижтимоий трансфертлар ҳам аҳоли даромадларининг сезиларли қисмини ташкил қилмоқда.

Уй хўжаликлари даромадлари таркибида реал даромадлар ёки аксарият адабиётларда шахсий тасарруфидаги даромад улар турмуш фаровонлигини оширишнинг моддий асосини ташкил қилади. Уй хўжаликлари реал

даромадларининг шаклланиши аввало улар даромадларининг манбалари кесимида шаклланишига боғлиқ. Қолаверса, ушбу даромадлар ҳисобига тўланадиган солиқлар миқдорига ҳам боғлиқдир. Шахсий тасарруфидаги даромадни (Реал даромадлар) шаклланишини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$D_{шт} = D_{ух} - C_{и} \quad (1.4)$$

Бу ерда,

$D_{шт}$ - шахси тасарруфидаги даромадлар;

$C_{и}$ - индивидуал солиқлар.

Маълумки, шахсий тасарруфидаги даромадлар 2 асосий компонентдан ташкил топади. Булар шахсий тасарруфидаги даромаднинг истеъмолга сарфланадиган қисми ва жамғаришга йўналтириладиган қисмларини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахсий тасарруфидаги даромадларининг шаклланиш даражасига солиқлар ва давлат бюджети харажатлари таъсир этади. Чунки, солиқлар воситасида олинган жами даромадлари камайиши кузатилса, бюджет харажатлари айниқса ҳозирги шароитдаги ижтимоий соҳага қилинадиган бюджет харажатларида иш ҳақи салмоғининг юқори улуши шахсий тасарруфидаги даромадларининг ортишига таъсир этади. Шунингдек, ижтимоий трансфертлар ҳам шахсий тасарруфидаги даромадларининг шаклланишида юқори салмоққа эга бўлмоқда.

Демак, мамлакат иқтисодиётнинг тартибга солишнинг фискал инструментларини ўзида мужассамлаштирувчи солиқлар, давлат бюджети харажатлари ва давлат қарзлари (давлат қимматли қоғозлари ҳисобига олинадиган фоизли даромадлар назарда тутилади) аҳоли даромадларини шаклланиши ва уни оширишни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар

Республикаимизда амалга оширилаётган аҳоли даромадларини ошириш давлат сиёсати бир томондан аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилса, иккинчи томондан, аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқланиш даражасини камайитиришга қаратилиши лозим.

Замонавий иқтисодий сиёсат парадигмасида аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутни камайитириш ва уни барқарорлаштиришда фискал сиёсат инструментлари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, замонавий шароитларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи механизми аҳоли даромадлари ўртасидаги тенгсизликни барқарорлаштиришнинг муҳим инструменти ҳисобланади.

Аҳоли даромадларини солиққа тортишда бир қатор фундаментал масалалар амалга оширилаяпти.

Булар;

биринчидан, аҳоли даромадларини солиққа тортишда уларнинг реал даромадларининг ҳарид қобилятини ошириш масаласи туради;

иккинчидан, даромадларни солиққа тортиш тизими самарали фискал вазифани бажариши даркор;

учинчидан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими аҳоли даромадлари ўртасидаги тенгсизликни минималлаштириш жараёнига позитив таъсир этиши лозим.

тўртинчидан, аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизими солиқ тушумлари самарадорлигига таъсирчан солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш имкониятларини яратиши лозим.

Етакчи ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳамон аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасидаги даромадлар тақсимланишида юқори даражадаги тенгсизлик сақланиб қолмоқда. Ушбу ҳолат ривожланаётган мамлакатларда кескин ижтимоий муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Замонавий шароитларда аҳоли даромадлари бўйича фарқланиш даражасини минималлаштириш аксарият мамлакатларда давлат молияси тизимидаги фундаментал муаммолардан бирига айланган.

Аҳоли даромадлари таркибида иқтисодий фаол аҳоли оладиган бирламчи даромадларнинг ортиб бориши кузатилаётган бўлиб, бу ўз навбатида аҳоли истемол кўрсаткичининг яхшиланишига, даромадлар ўртасидаги фарқланишни минималлаштирилишига ва шунингдек, давлат бюджети даромадларини шаклланишига позитив таъсир этмоқда.

Амалдаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш асосан иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган бўлиб, унда даромадлар тенгсизлигини мувофиқлаштириш механизми ҳам инobatга олиниши мақсадга мувофиқдир. Аҳоли даромадлари харажатдан кўп бўлса, уй хўжалигида яшаётган оила аъзоларининг турмуш фаровонлиги янада ях-шиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // Тошкент, Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 28 декабр, 2018 йил.// <https://kun.uz/99444746>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 28 декабр, 2018 йил.// <https://kun.uz/99444746>
4. Рустамов Н.И., Аҳоли турмуш даражаси ва ўзбекистонда уни ошириш имкониятлари, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2015 йил
5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент, “Меҳнат” 2009. 357- б.
6. Мухиддинов Х. С. Ҳудуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. Монография. Т.: “ФАН”, 2009. 12 б.
7. Қурбонов Х.А. Давлат молиясини бошқариш // Маърузалар матни тўплами.- Тошкент: ТДИУ, 2018 й.-127 б
8. Қурбонов Х.А. Давлат молиясини бошқариш // Маърузалар матни тўплами.- Тошкент: ТДИУ, 2018 й.-34 б